

Review of law sciences

Volume 1 *Review of law science 2017-1*

Article 16

10-16-2017

The importance and peculiarity of legal regimes applying to the subjects of labour relations in international private law

B. Musaev

Tashkent state university of law, Tashkent, 100047, Uzbekistan, b.musaev@tsul.uz

Follow this and additional works at: https://uzjournals.edu.uz/rev_law

 Part of the [Constitutional Law Commons](#)

Recommended Citation

Musaev, B. (2017) "The importance and peculiarity of legal regimes applying to the subjects of labour relations in international private law," *Review of law sciences*: Vol. 1 , Article 16.

Available at: https://uzjournals.edu.uz/rev_law/vol1/iss1/16

This Article is brought to you for free and open access by 2030 Uzbekistan Research Online. It has been accepted for inclusion in Review of law sciences by an authorized editor of 2030 Uzbekistan Research Online. For more information, please contact brownman91@mail.ru.



THE IMPORTANCE AND PECULIARITY OF LEGAL REGIMES APPLYING TO THE SUBJECTS OF LABOUR RELATIONS IN INTERNATIONAL PRIVATE LAW

B.MUSAEV^a Tashkent State University of Law, Tashkent, 100047, Uzbekistan
^aTashkent State University of Law

ОСОБЕННОСТЬ И ЗНАЧЕНИЕ ПРАВОВЫХ РЕЖИМОВ ПРИНИМАЕМЫХ К СУБЪЕКТАМ ТРУДОВЫХ ОТНОШЕНИЙ В МЕЖДУНАРОДНОМ ЧАСТНОМ ПРАВЕ

Б.МУСАЕВ^a Ташкентский государственный юридический университет, Ташкент, 100047, Узбекистан
^aТашкентского государственного юридического университета

ХАЛҚАРО ХУСУСИЙ ҲУҚУҚДА МЕҲНАТ МУНОСАБАТЛАРИ СУБЪЕКТЛАРИГА НИСБАТАН ТАТБИҚ ҚИЛИНАДИГАН ҲУҚУҚИЙ РЕЖИМЛАРНИНГ АҲАМИЯТИ ВА ЎЗИГА ХОСЛИГИ

Б.МУСАЕВ^a Тошкент давлат юридик университети, Тошкент, 100047, Ўзбекистон
^aТошкент давлат юридик университети

Аннотация: мазкур мақолада халқаро хусусий ҳуқуқда меҳнат муносабатларининг тутган ўрни, ўзига хос жиҳатлари, шунингдек меҳнат муносабатлари соҳасидаги миллий ва халқаро ҳуқуқий ҳужжатлар таҳлил қилиниб, чет эл элементи билан муракаблашган меҳнат муносабатлари субъектларига нисбатан қўлланиладиган ҳуқуқий режимларнинг мазмuni ёритилган.

Калим сўзлар: чет эл элементи билан муракаблашган меҳнат муносабатлари, ҳуқуқни эркин танлаш (*lex voluntatis*), миллий режим, дискриминацияга йўл қўймаслик режими, энг кўп қўлайлик яратиш режими, ўзаролик режими.

Аннотация: в данной статье рассматривается роль трудовых отношений в международном частном праве. Проведен анализ национальных и международных правовых актов в области трудовых отношений, а также отражено содержание правовых режимов, применяемых к лицам с участием иностранного элемента.

Ключевые слова: трудовые отношения, участие иностранного элемента, свобода выбора, применяемое право, стороны трудовых отношений, национальный режим, режим недопущения дискриминации, режим взаимности.

Annotation: this article examines the role of labor relations in private international law, as well as an analysis of national and international legal instruments in the field of labor relations reflected the substance of the legal regimes applicable to entities with foreign element.

Keywords: labor relations, foreign elements, the freedom of choice, applicable law, parties of labor relations (*lex voluntatis*), national treatment, treatment of non-discrimination, most favored nation treatment, reciprocal treatment.

Халқаро хусусий ҳуқуқ томонидан тартибга солинадиган хусусий-ҳуқуқий муносабатлар доирасида нафақат фуқаролик, балки оила муносабатлари, чет эл ҳуқуқий

тартиботи билан боғлиқ бўлган ва уни тартибга солишда хусусий ҳуқуқнинг категорияларидан фойдаланадиган меҳнат муносабатлари ҳам алоҳида аҳамият касб этади.

Илмий адабиётларда меҳнат муносабатлари бугунги кунда қоида тариқасида ҳалқаро хусусий ҳуқуқнинг умумий масалаларидан алоҳида ҳолда кўриб чиқилаётганлиги қайд этилади [1]. Шундай муносабатларни тартибга солувчи ҳуқуқий нормалар тизими коллизион қоидалар ва моддий-ҳуқуқий нормалардан иборат бўлган мустақил ҳуқуқ соҳаси – ҳалқаро хусусий меҳнат ҳуқуқини ташкил қиласди [2].

Ҳалқаро хусусий меҳнат ҳуқуқи ўзида чет эл ҳуқуқий тартиботи билан боғлиқ бўлган меҳнат муносабатларини тартибга солиши назарда тутиши билан характерланади [3]. Ушбу фикр миллий меҳнат қонунчилиги нормаларида оммавий ҳуқуқий нормалар акс эттирилганлиги ва чет эл элементи билан мураккаблашган меҳнат муносабатларини тартибга солишига қаратилган коллизион нормалар қонунчилигимизда етарлигича белгиланмаганлигига намоён бўлади.

Хорижий мамлакатлар тажрибасидан маълумки, ҳалқаро меҳнат муносабатлари доирасини тартибга солувчи нормаларда умумий асослардаги ҳалқаро хусусий ҳуқуқнинг асосий тамоиллари, институтлари ва умумий категориялари кўрсатиб ўтилади. Шу билан бирга, хорижий давлатларнинг қонунчилик тажрибаси шуни кўрсатадики, уларда чет эл элементи билан мураккаблашган меҳнат муносабатлари маҳсус ҳалқаро хусусий ҳуқуқ тўғрисидаги қонунлар ёрдамида (Австрия, Венгрия, Польша, Руминия, Чехия ва бошқалар) ёки Фуқаролик кодекси (Албания, Германия, Канада ва бошқалар) билан тартибга солинади [4].

МДҲ давлатларида ва миллий қонунчилиқдаги меҳнат ҳуқуқи нормаларининг тарихий ривожланиш жараёнига эътибор қаратадиган бўлсак, чет эл фуқаролари иштироқидаги меҳнат муносабатларини тартибга солувчи нормаларнинг меҳнат қонунчилигига назарда тутилмаганлиги, ушбу нормаларни меҳнат ҳуқуқига эмас, балки ҳалқаро хусусий ҳуқуқ нормалари доирасига киритиш учун асос бўлиб хизмат қилган. Бугунги кунда чет эл элементи билан мураккаблашган меҳнат муносабатларини тартибга солишига қаратилган коллизион нормалар меҳнат қонунчилиги доирасида белгилаб берилмоқда. Шунга қарамасдан, миллий ҳуқуқий доктринада чет эл элементи билан мураккаблашган меҳнат муносабатларининг ҳуқуқий ўрганиш масалалари ҳалқаро хусусий ҳуқуқнинг предмети доирасига киритилган.

Г.С.Скачкова бундай фикрга ўз эътирозини билдирап экан: “меҳнат қонунчилиги ва бошқа маҳсус қонунларда чет эл фуқаролари иштироқидаги меҳнат муносабатларини тартибга солишига қаратилган ҳуқуқий нормалар назарда тутилган бўлса-да, бугунги кунда айrim муаллифлар ҳали-ҳануз чет эл элементи билан мураккаблашган меҳнат муносабатларини тартибга солиши ҳалқаро хусусий ҳуқуқнинг соҳаси сифатида кўрмокдалар”, – деб қайд этади [5].

Бизнингча, бундай фикр тарафдорлари фуқаролик қонунчилигининг императив нормаларига риоя қилган ҳолда, ҳар қандай хусусий-ҳуқуқий муносабатлар коллизион йўл билан ҳал қилиниши ҳақидаги қоидани унутмасликлари лозим. Ўз навбатида, ҳалқаро хусусий-ҳуқуқий нормалар шартнома тарафларига ушбу шартномага нисбатан кўлланиладиган ҳуқуқни эркин танлаш имкониятини беради. Меҳнат қонунчилиги эса бир мамлакат ҳуқуқига бўйсунувчи субъектларга бундай ҳуқуқни танлаш эркинлигини тақдим этмайди, бунинг оддий сабаби – ушбу тарафларнинг шахсий қонуни битта давлатга бўйсундирилган. Бу ўринда М.М.Богуславскийнинг: “Чет эл элементи билан мураккаблашган меҳнат муносабатларига нисбатан ҳалқаро хусусий ҳуқуқнинг умумий тушунчалари ва қоидалари кўлланилади” [6], – деган фикрида тўла асос бор.

Г.К.Дмитриева ҳам худди шундай фикрни илгари сурган бўлиб, унинг фикрича, чет эл элементи билан мураккаблашган фуқаролик-ҳуқуқий муносабатлар сингари меҳнат муносабатлари ҳам ҳалқаро хусусий ҳуқуқнинг предмети доирасига киради [7]. Н.Ю.Ерпылеванинг: “ҳалқаро хусусий ҳуқуқ концепциясининг тор доирада талқин қилиниши ҳам ушбу ҳуқуқ соҳасини комплекс характерини инобатга олган ҳолда, унинг

предмети доирасига жисмоний шахсларнинг меҳнат муносабатларини тартибга солувчи нормаларни киритиш имкониятини беради” [8], – деган фикрлари ўринлидир.

Фуқаролик ҳуқуқидан фарқли равишда ҳалқаро меҳнат муносабатлари ўзида оммавий-ҳуқуқий характерни ҳам назарда тутади. Ҳалқаро хусусий ҳуқуқ доирасига кирувчи чет эл элементи билан мураккаблашган меҳнат муносабатларига ҳуқуқий баҳо беришда қўйидагиларни инобатга олиш лозим: **биричидан**, чет эл элементи билан мураккаблашган меҳнат муносабатларини тартибга солишига қаратилган ҳалқаро нормалар оммавий-ҳуқуқий характер касб этади; **иккинчидан**, худди шундай характердаги оммавий ҳуқуқий нормалар кўпчилик миллий конунчилик ҳужжатларида ҳам назарда тутилган. Бундай оммавий-ҳуқуқий тартибга солинувчи муносабатларга давлатлар ҳудудида чет эл фуқароларини рўйхатдан ўтказиш, чет эл ишчи кучларини жалб қилишга руҳсатнома олиш ҳамда бошқаларни кўрсатиб ўтиш мумкин.

Меҳнат ҳуқуки худди оила ҳуқуки каби оммавий-ҳуқуқий ва хусусий-ҳуқуқий қоидаларнинг тасодифий жамланмаси бўлса-да, одатда, меҳнат ҳуқуки миллий-ҳуқуқий доктриналарда миллий-хусусий ҳуқуқ таркибига киритилади. Давлатнинг ушбу ҳуқуқий муносабатларга аралашуви фақатгина давлатнинг фаол ижтимоий сиёsat юритиши зарурияти, чуқур ижтимоий ўзгаришларнинг олдини олиш учун иш берувчи ва ходим ўртасидаги манфаатлар мувозанатини таъминлаш, жамиятда барқарорлик ўрнатиш ва ишсизликни максимал даражада камайтиришга қаратилганлиги билан характерланади. Замонавий меҳнат муносабатларидаги асосий назарий қараш саналган ижтимоий шерикчиликнинг вужудга келиши ва ривожланиши ҳам ушбу ҳолатлар билан чамбарчас боғлиқдир.

Юқоридагилардан келиб чиқсан ҳолда айтиш мумкинки, бугунги кунда меҳнат ҳуқуки – бу оммавий-ҳуқуқий ва хусусий-ҳуқуқий муносабатларни тартибга солувчи комплекс аралаш ҳуқуқ соҳасидир. Бизнингча, ҳалқаро хусусий ҳуқуқ нормалари билан тартибга солинувчи меҳнат муносабатлари ўз ичига Ўзбекистонда меҳнат фаолиятини амалга оширувчи иш берувчилар, чет эл ташкилотлари иштирокидаги қўшма корхоналар, чет эл фуқаролари ва фуқаролиги бўлмаган шахслар иштирокидаги муносабатларни қамраб олади.

Энди бевосита меҳнат муносабатларida чет эл ҳуқуки субъектларига нисбатан татбиқ қилинадиган ҳуқуқий режимларга тўхталиб ўтсан. Чет эл элементи билан мураккаблашган меҳнат муносабатларига нисбатан қўйидаги асосий ҳуқуқий режимлар қўлланилиши назарда тутилган: миллий режим; дискриминацияга йўл қўймаслик (тенглик) режими; энг кўп қулаги яратиш режими; ўзаролик режими.

Ушбу режимлар орасида меҳнат муносабатларига нисбатан, кўпинча, хорижий мамлакатлар меҳнат қонунчилигига ва ҳалқаро келишувларда миллий режим татбиқ қилиниши белгиланган. Ушбу режим Ўзбекистон Республикаси ҳудудидаги чет эл фуқаролари ва фуқаролиги бўлмаган шахслар иштирокидаги меҳнат муносабатларига нисбатан Ўзбекистон меҳнат қонунчилиги татбиқ қилинишини англатади.

1998 йил 1 майда қабул қилинган Ўзбекистон Республикасининг “Аҳолини иш билан таъминлаш тўғрисида”ги (янги таҳрири) Қонуни 1-модасига биноан аҳолини иш билан таъминлаш тўғрисидаги қонун ҳужжатлари Ўзбекистон Республикаси фуқароларига, шунингдек Ўзбекистон Республикаси ҳудудида доимий яшаб келаётган чет эл фуқаролари ҳамда фуқаролиги бўлмаган шахсларга ҳам татбиқ этилади [9].

1994 йилги “Меҳнаткаш-мигрантларнинг ижтимоий ҳимояси ва меҳнат миграцияси соҳасидаги ҳамкорлик ҳакида”ги МДҲ келишувига биноан ҳам чет эл фуқаролари иштирокидаги меҳнат муносабатларига улар доимий меҳнат қилаётган МДҲ давлатининг қонунчилиги татбиқ қилинади ва улар ушбу давлатнинг қонунчилигига назарда тутилган ҳуқуқларга эга бўладилар, шунингдек мажбуриятларни бажарадилар.

Дискриминацияга йўл қўймаслик (тенглик) режими шуни англатадики, ҳар бир давлат ўз фуқароларига яратган меҳнат муносабатлари соҳасидаги ҳуқуқий шарт-шароитларни ўз ҳудудида меҳнат қилаётган чет эл фуқароларига нисбатан ҳам улардан кам бўлмаган ҳолатда яратиб бериши лозим.

Хусусан, 1995 йилда МДХ доирасида қабул қилинган “МДХ давлатларидағи мәҳнат ресурслари миграцияси ҳақида”ги тавсиявий ҳужжатта биноан мәҳнаткаш-мигрантлар мәҳнат шартномасини тузиш вактида ишга қабул қылувчи давлатнинг фуқаролари билан ишга қабул қилиш, мәҳнат шартномасини бекор қилиш, мәҳнат шартларини белгилаш (иш ҳақи, мәҳнат режими, соғлиқни сақлаш, мәҳнат гигиенасини таъминлаш), мәҳнат соҳасидаги ижтимоий ҳимоя масалаларида тенг ҳуқуқларга эга бўладилар.

Мәҳнат муносабатларига нисбатан татбиқ қилинадиган энг кўп қулайлик яратиш режими, давлатлар олдига ҳамкор давлат ва унинг ҳуқуки субъектларига ҳар қандай учинчи давлатнинг фуқароларига нисбатан қўлланиладиган мәҳнат ҳуқуқий шартларига қараганда имтиёзли қоидаларни (кулайроқ) қонунчиликда белгилаш мажбуриятини юклайди.

Ўзаролик режимига кўра чет эл давлати томонидан агар иккинчи давлат ҳудудида унинг фуқароларига нисбатан қўшимча қурай шарт-шароитлар тақдим этилган тақдирда, ўша давлатнинг фуқароларига нисбатан ўз ҳудудида худди шундай қўшимча қурай шарт-шароитлар яратишини англатади.

Мисол сифатида Япония қонунчилигини қўрсатиш мумкин. Япония қонунчилигига мәҳнат муносабатларига нисбатан энг кўп қулайлик яратиш қоидаси япон миллатига мансуб бошқа давлатларнинг фуқароларига нисбатан татбиқ қилиниши назарда тутилган [10].

Энди бевосита Ўзбекистон Республикаси Мәҳнат кодекси нормаларига эътибор қаратадиган бўлсак, чет эл элементи билан мураккаблашган мәҳнат муносабатларини тартибга солишига қаратилган нормалар алоҳида маҳсус модда тариқасида баён қилинмаган. Мәҳнат кодексининг Ўзбекистон Республикаси фуқароси бўлмаган шахсларга нисбатан мәҳнат тўғрисидаги қонун ҳужжатларининг қўлланилиши номли 11-моддасида мәҳнат тўғрисидаги қонун ҳужжатлари иш берувчи билан тузилган мәҳнат шартномаси бўйича Ўзбекистон Республикаси ҳудудида ишлаётган чет эл фуқаролари ҳамда фуқаролиги бўлмаган шахсларга ҳам татбиқ этилади, деб белгилаб қўйилган [11].

Ушбу норма мазмунидан қўриниб турибдики, агар ҳар қандай чет эл фуқароси ёки фуқаролиги бўлмаган шахс Ўзбекистон ҳудудида мәҳнат шартномаси тузган ҳолда мәҳнат фаолиятини амалга ошираётган бўлса, унинг мәҳнат муносабатларига нисбатан Ўзбекистон Республикаси қонунчилиги татбиқ қилинади.

Ушбу норма моҳиятидан келиб чиқадики, унда Ўзбекистон Республикасида мәҳнат қилаётган чет эл фуқаролари ва фуқаролиги бўлмаган шахсларнинг мәҳнат муносабатларини тартибга солиш ҳеч қандай истисноларсиз Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатларига мувофиқ ҳал қилинади, деган бир томонлама коллизион норма баён қилинган.

Мазкур таҳлил қилинаётган норма қўйидаги ҳуқуқий масалаларни аниқ белгилаб беришга қаратилмаганлиги билан диққатга сазовор: биринчи, иш берувчининг шахсий қонуни қайси давлатга тааллуқлилиги масаласини; иккинчи, мәҳнат шартномасида тарафларнинг эрк муҳториятини қўллаш имкониятини; учинчидан, Ўзбекистон ҳудудига консуллик ва бошқа дипломатик вазифаларни бажариш учун келган чет эл фуқароларининг мәҳнат муносабатларини тартибга солиш масалалари ва бошқалар.

Шу билан бирга, Мәҳнат кодексининг 12-моддасида чет эллик юридик ва жисмоний шахсларга тўлиқ ёки қисман тегишли бўлган ва Ўзбекистон Республикаси ҳудудида жойлашган корхоналарда Ўзбекистон Республикасининг мәҳнат тўғрисидаги қонун ҳужжатлари қўлланилади, деган қоиданинг ўрнатилганлиги Ўзбекистон ҳудудидаги барча мәҳнат муносабатларини тартибга солиш Ўзбекистон ҳуқуқига бўйсундирилганлигини англатади.

Мазкур норма Ўзбекистон Республикаси ҳудудида чет эллик фуқаролар ва фуқаролиги бўлмаган шахсларга нисбатан миллий тартиб қоидалари қўлланилишини назарда тутади. Мазкур норма ўз вақтида тўғридан-тўғри чет эллик фуқаро ва фуқаролиги бўлмаган шахсларга Ўзбекистон Республикаси ҳудудида мәҳнат қилиш ҳуқуқларини тақдим этмайди. Мазкур муносабатлар қонуности ҳужжатларида батафсил белгилаб берилган бўлиб, ушбу ҳужжатлар сирасига Ўзбекистон Республикаси Вазирлар

Маҳкамасининг 1995 йил 19 октябрдаги 408-сонли “Ўзбекистон Республикаси фуқароларининг чет элдаги ҳамда хорижий фуқароларнинг республикадаги меҳнат фаолияти тўғрисида”ги ва 2003 йил 12 ноябрдаги “Ўзбекистон Республикаси фуқароларининг чет эллардаги меҳнат фаолиятини ташкил этилишини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарорлари киради.

Ўзбекистонда ҳалқаро хусусий меҳнат муносабатларини ҳуқуқий тартибга солувчи қонунчиликни такомиллаштириш механизмлари батафсил таҳлил қилинган ҳолда қуйидаги фикр-мулоҳазалар ва таклифларни илгари суриш мумкин:

1. Меҳнат кодексининг 10 – 12-моддалари мазмун моҳиятига эътибор қаратсак, ушбу нормалар чет эл элементи билан мураккаблашган меҳнат муносабатларини тартибга солишга қаратилган коллизион нормаларни назарда тутмайди. Шу билан бирга, ушбу муносабатларга нисбатан коллизион нормаларни ҳаракатланишига ҳеч қандай имконият қолдирмаган;

2. Меҳнат кодексининг 11-моддасига биноан меҳнат тўғрисидаги қонун ҳужжатлари иш берувчи билан тузилган меҳнат шартномаси бўйича Ўзбекистон Республикаси худудида ишлаётган чет эл фуқаролари ҳамда фуқаролиги бўлмаган шахсларга ҳам татбиқ этилади. Ушбу нормадан кўриниб турибдики, агар ҳар қандай чет эл фуқароси ёки фуқаролиги бўлмаган шахс Ўзбекистон худудида меҳнат шартномаси тузган ҳолда меҳнат фаолиятини амалга ошираётган бўлса, унинг меҳнат муносабатларига нисбатан Ўзбекистон Республикаси қонунчилиги татбиқ қилинади.

Лекин Меҳнат кодексининг ушбу нормалари иш берувчининг шахсий қонуни қайси давлатга тааллуклиги масаласини, меҳнат шартномасида тарафларнинг эрк муҳториятини кўллаш имкониятини, ходимларнинг ижтимоий ҳимояси, ходимнинг жамоа келишувларида иштирокининг ўзига хослиги каби бир қатор масалаларни назарда тутмаган. Бу эса, ўз навбатида, ушбу нормаларни янги таҳрирда ривожланаётган ҳалқаро хусусий-ҳуқуқий меҳнат муносабатларидан келиб чиқсан ҳолда қайта кўриб чиқиш заруриятини олдимизга кўяди;

3. Юқорида таҳлил қилинган муаммоли вазиятларни ҳал қилиш учун дастлаб Ўзбекистон Республикасининг Меҳнат кодексининг 11-моддасини янги таҳрирда ишлаб чиқиб, қуйидагича баён қилиш мақсадга мувофиқ саналади:

“Меҳнат тўғрисидаги қонун ҳужжатлари иш берувчи билан тузилган меҳнат шартномасига асосан Ўзбекистон Республикаси худудида меҳнат қилаётган чет эл фуқаролари ҳамда фуқаролиги бўлмаган шахсларга, чет эл фуқаролари, фуқаролиги бўлмаган шахслари иштирокида ёки бевосита улар томонидан ташкил қилинган ташкилотларга, шунингдек ҳалқаро ташкилотларга ва чет эл юридик шахсларига, трансмиллий корпорациялар ва уларнинг филиаллари, ваколатхоналари, ташкилий тузилмалари, шўъба корхоналарига ҳам татбиқ этилади, агар Кодекс ҳамда Ўзбекистон Республикасининг ҳалқаро шартномаларида бошқача ҳолатлар назарда тутилган бўлмаса”.

Юқоридаги Меҳнат кодексида назарда тутилган умумий коллизион нормаларни таҳлил қилиш орқали шунга амин бўлиш мумкинки, ушбу нормалар худудийлик ва миллий режим қоидаларини белгилаб бериш билангина чекланади. Демак, бу борада Меҳнат кодекси нормалари буғунги кунда чет эл элементи билан мураккаблашган меҳнат муносабатларини тўлиқ равишда тартибга солиш имкониятини бермайди. Бу борадаги коллизион нормаларни такомиллаштиришга қаратилган таклифларни ишлаб чиқиш орқали ушбу соҳадаги нормаларга тизимлий касб этиш долзарб аҳамиятга эга.

References:

1. Tolstix V.L. Kollizionnoye regulirovaniye trudovix otnosheniy // Trudovoye pravo. – 2003. – № 4.
2. Zvekov V.P. Mejdunarodnoye chastnoye pravo. Uchebnik. – M., 2004. – S. 44 – 45.

3. Andriyanova M.A. Trudoviye otnosheniya s uchastiyem inostransev v sisteme mejdunarodnogo chasnogo i trudovogo prava Rossii: Avtoref. diss. kand-ta yurid. nauk. – M., 2002.
4. Mejdunarodnoye chastnoye pravo. Inostrannoye zakonodatelstvo. // Sost. Jiltsov A.N., Muranov A.I. – M.: Statut, 2000. – S. 321–322.
5. Skachkova G.S. Rasshireniye sferi deystviya trudovogo prava i differensiatsii yego norm. – M., 2003. – S. 16 – 17.
6. Boguslavskiy M.M. Mejdunarodnoye chastnoye pravo. Uchebnik. 6-ye izd., pererab. i dop. – M.: Norma: INFRA-M, 2012. – S. 704.
7. Mejdunarodnoye chastnoye pravo. Uchebnik // Otv. red. G.K. Dmitriyeva. – M., 2006. – S. 121–123.
8. Yerpileva N.Yu. Mejdunarodnoye chastnoye pravo. Uchebnik. – M., 2005. – S. 110–111.
9. O‘zbekiston Respublikasi Oliy Majlisining Axborotnomasi. – 1998. – № 5 – 6. 97-modda.
10. Matrusova T. N. Gosudarstvennoye regulirovaniye sferi truda v Yaponii // Trud za rubejom. - 2006. – №1. – S. 11.
11. O‘zbekiston Respublikasining Mehnat kodeksi. Rasmiy nashr – O‘zbekiston Respublikasi Adliya vazirligi. – T.: Adolat, 2011. – B. 276.